



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Навоий вилояти Ҳокими

Н.Т.Турсунов

2026 йил.

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида соғломлаштириш марказини ташкил этиш бўйича лойиҳа концепцияси

I. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг номи:	Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида соғломлаштириш марказини ташкил этиш
Тармоқ номи:	Соғломлаштириш
Лойиҳа тури:	Лойиҳалаштириш, капитал таъмирлаш, қуриш, молиялаштириш, жиҳозлаш, фойдаланиш ва давлатга қайтариш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаси
Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми	Лойиҳалаштириш, капитал таъмирлаш, қуриш, молиялаштириш, жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш ва давлат шеригига қайтариш
Давлат шеригининг номи:	Навоий вилояти ҳокимлиги
Масъул вазирлик ёки ижро этувчи орган	Навоий вилояти ҳокимлиги
Лойиҳа амалга ошириладиган жойи:	Навоий вилояти ҳокимлиги баланси бўлган, Навоий вилояти, Кармана тумани, Талқоқ МФЙ, Талқоқ кўчаси, 168-уйда жойлашган соғломлаштириш бўлими бино-иншоотлари ва ер майдонлари.

II. Дастлабки танлов натижалари

ДХШ лойиҳасининг дастлабки скрининг натижалари ҳақидаги батафсил маълумот

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунининг 15-моддасига мувофиқ, давлат-хусусий шериклик лойиҳаси яқка тартибдаги тадбиркор ёхуд юридик шахс томонидан ташаббус қилиниши мумкинлиги;

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ҳуқуқий база яратилганлиги;

Республикада 1000 дан ортиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилаётганлиги;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида Хусусий тиббиёт ташкилотлари учун бир қатор имтиёзлар кўзда тутилганлиги;

Хусусий ташаббускор томонидан ушбу лойиҳани амалга ошириш учун ташаббус билдирилганлиги сабабли навоий вилояти ҳокимлиги (давлат шериги) томонидан мазкур лойиҳани амалга оширишга қарор қилинган.

Ушбу лойиҳани давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ хусусий шерикка бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган.

Жумладан;

- тиббиёт асбоб-ускуналари учун божхона божи бўйича имтиёзлар берилган;
- шу муддатга қадар тиббиёт муассасалари олиб кирилаётган тиббиёт асбоб-ускуналар учун қўшилган қиймат солиғидан ҳам озод қилинди;
- хусусий тиббиёт ташкилотлари тиббий хизматларни реализация қилишда айланма солиқ солишдан озод этилди;

- хусусий тиббиёт ташкилотлари лицензия асосида тиббий хизматлар кўрсатганда, уларга нисбатан фойда солиғига 0 (ноль) фоиз ставкани қўлланилиши белгиланди, яъни хусусий тиббиёт сектори фойда солиғидан ҳам озод этилди;
- хусусий тиббиёт муассасалари жойлашган ерлар ер солиғи тўлашдан озод этилди;
- даволаш муассасаларидан туристик (мехмонхона) йиғим ундирилиши бекор қилинди;
- нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиник базалари ташкил этилиб, уларда шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашга рухсат берилди;
- ёш мутахассисларга эса олий ўқув юртини битиргандан бошлаб 5 йил давомида хусусий шифохоналарда малака тоифасиз ишлашга рухсат берилди.

Шунга кўра, мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 октябрдаги 720-сон “Давлат-хусусий шериклик соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига асосан тайёрланди.

III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

Қўшимча маълумотлар

1.	Лойиҳанинг баҳолаш ҳужжатлари тайёрланганми?: Ҳа ☒ Йўқ ☐ Лойиҳа баҳолаш ҳужжати Хусусий ташаббускор томонидан ишлаб чиқилгандан сўнг давлат шериги томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган.
2.	Лойиҳа қуйидагилардан бирига ёки бир нечтасига киритилганлигини кўрсатинг: Инвестиция дастури ☐ Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори ☐ Вазирлар Маҳкамаси қарори ☐ Бошқа ☐ Хусусий ташаббускор ☒
3.	Лойиҳа иқлим ўзгариши бўйича ҳукумат томонидан белгиланган мақсадлар ёки стратегияларга эришишга ҳисса қўшадими? Ҳа ☐ Йўқ ☒
4.	Лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш соҳасидаги қайси мақсадларига қаратилган: Мазкур лойиҳа Бирлашган миллатлар ташкилотининг қуйидаги Барқарор ривожланиш мақсадларига мос келади: БРМ 3: Соғлиқ ва фаровонлик - Касалхона лойиҳаси жамиятнинг тиббий хизматлардан фойдаланишини, тиббий хизматларнинг сифати ва натижаларини яхшилаш ҳамда умумий фаровонликка ҳисса қўшиш орқали ушбу мақсадни бевосита қўллаб-қувватлайди. БРМ 8: Муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш -Бундай лойиҳа соғлиқни сақлаш, бошқарув ва инфратузилма соҳаларида иш ўринларини яратиш орқали муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсишга ҳисса қўшади. ДХШ моделлари кўпинча инвестицияларни жалб қилади, иқтисодий барқарорликни оширади ҳамда таълим ва бандлик имкониятлари орқали маҳаллий ривожланишга ёрдам беради. БРМ 17: Барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик -давлат-хусусий шерикликни ўз ичига олган лойиҳа барқарорликни таъминлаш ва соғлиқни сақлаш стандартларини ошириш учун ҳукумат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди.
5.	Ушбу лойиҳа давлат харидлари жараёни доирасида амалга ошириш учун бюджет томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилганми? Ҳа ☐ Йўқ ☒ Лойиҳада бюджет маблағлари кўзда тутилмаган.
6.	Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми?

	Ҳа ☐ Йўқ ☒ Кўрсатилган хизматлар учун ҳақ белгиланган тартибда жисмоний ёки юридик шахслардан шартнома асосида ундирилади.		
7.	Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг (тўлиқ қувватда бир йилда кўрсатиладиган хизматлар ҳажми): Урология, терапия, гельментология, гастроэнтерология, гинекалогия, неврология, кардиология, травматология-ортопедия ихтисосликлари бўйича стационар соғломлаштириш, лаборатория, физиотерапия, ЭКГ, УЗИ ва Фиброскан хизматлари кўрсатиш.		
8.	а) Лойиҳа қиймати: 60 664 000 минг сўм (капитал қўйилмалар) (АҚШ доллари курси 12 140 сўм)	б) Эксплуатация харажатлари: 158 525 072 минг сўм (15 йил) (АҚШ доллари курси 12 140 сўм)	в) Умумий харажат: 219 189 072 минг сўм (ҳисоб-китобларга кўра 18 055.1 АҚШ доллари)
	г) ДХШнинг амал қилиш муддати: 18 йил (3 йил капитал таъмирлаш ва қурилиш даври)	д) Лойиҳани амалга ошириш муддати: 36 ой	
9.	а) Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг: Фойдаланганлик учун тўлов ☒ а) Эркин фойдаланиш учун тўлов ☐ Кўрсатилган хизматлардан тушган маблағлар (млн сўм); б) Йиллик тахминий фойдаланганлик учун тўлов ёки эркин фойдаланиш учун тўловни кўрсатинг: Фойдаланганлик учун тўлов: 39.5 млрд. сўм Эркин фойдаланиш учун тўлов: Даромадлар тақсимотини кўрсатинг: Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов: Лойиҳа доирасида ер майдони ажратилган тақдирда давлат шериги томонидан хусусий шерикка ДХШ тўғрисидаги битимда кўрсатилган муддатга ва шартлар асосида ижарага берилди. Хусусий шерик ижарага берилган ер участкалари учун ер солиғи тўламайди, бироқ тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилган миқдорда ҳисобланади. Ижара ҳақини ҳисоблашда ер солиғига доир имтиёзлар инобатга олинади. Битим муддати якунланиши ёки муддатидан аввал бекор қилиниши муносабати билан ушбу ижара шартномаси ҳам ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Хусусий шерик даромад тақсимооти сифатида ўз маблағлари ҳисобидан лойиҳа объектида мавжуд бўш ер майдонларининг 7000 кв.м қисмида, тасдиқланган лойиҳа асосида вилоят ҳокимлиги тизимига хизмат сафари муносабати билан ташриф буюрувчи мутасадди ташкилотларнинг масъул мансабдор шахслари ва масъул мутахассислари учун хизмат кўрсатувчи 30 ўринли меҳмонхона комплекси қуради ва Навоий вилояти ҳокимлиги балансида доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан топширади. Шунингдек, хусусий шерик ушбу меҳмонхона биносини лойиҳа муддати давомида (15 йил) сақлаб туришни ўз зиммасига олади. Қўшимча фойда тақсимооти: Кўзда тутилмаган. в) ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг: Давлат ташаббускори ☐ Хусусий ташаббускор ☒ г) Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир марталик тўлов: Лойиҳа қиймати (ҳисоб-китобларга кўра АҚШ доллари) 10 млн АҚШ доллари гача бўлганлиги учун 0.2 фоиз бир марталик тўлов 121 328 минг сўмни ташкил этади.		

10.	Хавф ёки хатарлар турлари	Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг. Бунда давлат шериги ва хусусий ташаббускор келишган ҳолда хатарлар тақсимотини ўзгартиришга ҳақли.				
		Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик	Хатар тақсимооти асоси	Изоҳ
	Лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиқиш билан боғлиқ хатарлар			•		
	Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•		
	Яширин нуқсон хавфи			•		
	Ер ажратиш ва кўчириш билан боғлиқ бўлган хатарлар	•				
	Молиявий хатарлар			•		
	Курилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлмаган)		•			
	Курилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган)			•		
	Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар			•		
	ДХШ тўғрисидаги битим тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)			•		
	ДХШ тўғрисидаги битим тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			•		
	Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар			•		
	Солиқ билан боғлиқ хатарлар			•		
	Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар		•			
	Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари	•				
	Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари		•			
	Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши			•		Кўзда тутилмаган
	Давлат шеригига келишилган тўловларнинг кечиктирилиши			•		
	Сиёсий беқарорлик хатарлари	•				
	Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар			•		
	Мулк реквизиция қилиш	•				
	Операцион хатарлар			•		
	Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			•		

	Операвив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар			•																		
	Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар			•																		
	Самарадорлик кўрсаткичларини бажариш билан боғлиқ хатарлар			•																		
11.	Агар хусусий шерик кўрсатилган бўлса, қуйидаги маълумотларни тақдим этинг. а) хусусий ташаббускор номи (агар юридик шахслар бирлашмаси бўлса, етакчи иштирокчининг номи): "NAVPROMLITMASH" МЧЖ б) Компания рўйхатдан ўтган Давлат номи: Ўзбекистон Республикаси в) акциядорлар ва компания эгалари (5 фоиз дан кўп улушга эга): Файзиев Ибрагим Ахмаджонович 100 фоиз улушга эга. г) боғланиш учун маълумот: Тел: 90 717 – 54-54 д) бизнеснинг қисқача мазмуни: Давлат структурасига киритилмаган тадбиркорлик субъекти. е) худди шу соҳада шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажриба: тиббиёт ташкилотларини ташкил қилиш бўйича тажрибага эга эмас. ё) сўнгги тўрт молиявий йил учун жами активлар, жами мажбуриятлар ва соф фойда: (минг сўмда) <table><tr><td>хисобот даври</td><td>жами активлар</td><td>жами мажбуриятлар</td><td>соф фойда суммаси</td></tr><tr><td>2023 йил</td><td>59 050 340,10</td><td>1 380 481,70</td><td>7 464 283,10</td></tr><tr><td>2024 йил</td><td>68 396 846,00</td><td>5 725 569,00</td><td>2 416 708,00</td></tr><tr><td>2025 йил</td><td>87 181 043,00</td><td>10 827 093,00</td><td>8 136 877,00</td></tr></table> з) компанияни қайта ташкил этиш, тугатиш ва (ёки) банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш: Хусусий ташаббускорнинг малакасини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатли далилларни, шу жумладан, компания низоми, йиллик ҳисоботларни ва охириги уч йил учун аудит қилинган консолидацияланган молиявий ҳисоботларнинг тасдиқланган нусхалари илова тариқасида тақдим этилади.						хисобот даври	жами активлар	жами мажбуриятлар	соф фойда суммаси	2023 йил	59 050 340,10	1 380 481,70	7 464 283,10	2024 йил	68 396 846,00	5 725 569,00	2 416 708,00	2025 йил	87 181 043,00	10 827 093,00	8 136 877,00
хисобот даври	жами активлар	жами мажбуриятлар	соф фойда суммаси																			
2023 йил	59 050 340,10	1 380 481,70	7 464 283,10																			
2024 йил	68 396 846,00	5 725 569,00	2 416 708,00																			
2025 йил	87 181 043,00	10 827 093,00	8 136 877,00																			
12.	Ҳар бир босқич учун тахминий/режалаштирилган санани кўрсатинг:																					
		Сана				Сана																
а)	ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш	2026 йил III -чорак	д)	Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш		2026 йил III -чорак																
б)	Лойиҳа олди ҳужжатларни ишлаб чиқиш агар номзод бўлса (масалан: тендер ҳужжатлари)	2026 йил III -чорак	е)	Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш.		Заруратга кўра																
в)	Дастлабки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ)	2026 йил III-чорак	ё)	Молиявий яқунлаш		Тузилган битим кучга кирганидан сўнг																
г)	Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP)	Заруратга кўра																				
13.	Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ: кўзда тутилмаган.																					
14.	Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганида, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқарув харажатлари киради): 60 664 000 минг сўм																					

15.	Лойиҳани давлат томонидан эмас, балки ДХШ механизми орқали амалга оширишнинг афзалликларини асослаб беринг: Лойиҳани тезкор ташкил қилиш ва амалга ошириш; Хусусий шерик ўз фаолиятини давлат шериги билан интеграция қилган ҳолда юритиши сабабли давлат шеригида назорат қилиш функциясининг мавжудлиги; Хусусий тиббиёт ташкилотининг фойда олишга манфаатдорлиги ҳамда харажатларни мақбуллаштириб бориши сабабли самарадор бошқарув тизими.
16.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни, муаммоларни ҳал этишга қаратилганми? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Мазкур лойиҳа доирасида ижтимоий ва инфратузилма билан боғлиқ қуйидаги муаммолар бартараф этилади: • 109 та янги иш ўрни яратилади; • замонавий соғломлаштириш маркази ташкил этилиши билан оғир ҳасталикларни бошидан кечирган беморларга соғлиқларини қайта тиклашга ва уларни соғлом ҳаётга қайтаришга кўмаклашилади, ҳамда 250 ўринли стационар фаолиятини йўлга қўйиш орқали уларни киска фурсатда соғлигини тиклашга кўмаклашиш.
17.	Таклиф этилаётган лойиҳалар бўйича фаолият давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари томонидан амалга ошириладими? Ҳа ☐ Йўқ ☒
18.	Таклиф этилаётган лойиҳа бўйича тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) сифати ва (ёки) қамраб олиш даражасининг амалдаги кўрсаткичларга нисбатан юқори ва (ёки) инновацион ёндашувни ўз ичига оладими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ - фаолият тўлиқ рақамлаштирилади. - ҳудудда 250 ўринли янги соғломлаштириш маркази фаолияти йўлга қўйилади.
19.	ДХШ объектига бўлган мулк ҳуқуқи давлат шеригига тегишлими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Мулк ҳуқуқи Навоий вилояти ҳокимлигига тегишли.
20.	Лойиҳа учун хусусий сектор томонидан сармоя ва/ёки тажриба жалб қилиняптими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар Хусусий шерик томонидан амалга оширилади.
21.	Таклиф этилаётган лойиҳа хорижий ёки маҳаллий тажрибага асосланадими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Мазкур лойиҳа маҳаллий ДХШ лойиҳалари фаолиятини ўрганган ҳолда амалга оширилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда эрта ташҳис қўйиш жараёнида замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади ва аҳолининг ўртасида бунга талаб тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли, бугунги кунда ташкил қилинган хусусий тиббиёт ташкилотлари, шу жумладан давлат-хусусий шартлари асосида ташкил қилинган тиббиёт ташкилотлари муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.
22.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?: Ҳа ☒ Йўқ ☐ Хусусий ташаббускор томонидан амалга оширилиши кутилаётган лойиҳа доирасида Давлат шериги ва Хусусий шерикнинг ўз ресурсларини бирлаштиришга асосланган ҳамкорлиги назарда тутилмоқда. Жумладан, хизмат кўрсатиш жараёни тўлиқ рақамлаштирилиши, кўрсатиладиган барча хизматлар ва беморга тааллуқли маълумотлар базаси яратилади ва камида 5 йил давомида сақланади.

23.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаб бера оладими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Хизмат кўрсатиш жараёни тўлиқ рақамлаштирилиши, ҳудудда мавжуд бўлмаган тиббий ва соғломлаштириш хизматлари йўлга қўйилади.							
24.	Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкаси (бино)га зарурат борми? Ҳа ☒ Йўқ ☐ 1 та 2 қаватли ва 1 та 4 қаватли қўшимча янги даволаниш бинолари қуриш учун Навоий вилояти ҳокимлиги баланси бўлган, Навоий вилояти, Кармана тумани, Талқоқ МФЙ, Талқоқ кўчаси, 168-уйда жойлашган соғломлаштириш бўлимида мавжуд 4000 кв.м. бўш ер майдонлари.							
25.	а)	Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа ☐ Йўқ ☒						
	б)	Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа ☐ Йўқ ☒ Мазкур лойиҳа доирасида амалга ошириладиган капитал таъмирлаш ишлари экология талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.						
26.	Давлат шериги томонидан амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг: Сув таъминоти объектларини қуриш ☐ Газ таъминоти объектларини қуриш ☐ Электр таъминоти қурилмаларига қуриш ☐ Кириш йўллари ☐ Транспорт боғланиши ☐ Бошқа: Йўқ.							
27.	Манфаатдор томонларни санаб ўтинг: Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда Хусусий шерик.							
28.	Ғолиб бўлган иштирокчи ДХШ шартномасини муваффақиятли тузилганлиги учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тўлайдиган бир марталик комиссия миқдорини кўрсатинг: Вазирлар Маҳкамасининг 720-сонли қарори иловасида белгиланган фоизлар миқдорида белгиланади. Ушбу лойиҳа қиймати 10 млн АҚШ долларигача бўлганлиги учун 0.2 фоиз бир марталик тўлов 121 328 минг сўмни ташкил этади.							
29.	Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менежери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг. <table border="1"> <tr> <td>Маъсул этиб тайинланган шахс</td> <td>Давлат шеригининг масъул ходими</td> </tr> <tr> <td>Навоий вилояти ҳокимлиги Лавозими Телефон</td> <td>Сулаймонов Рустам Довудович Вилоят ҳокими ўринбосари +99879 229-62-06</td> </tr> <tr> <td>Электрон почта манзили:</td> <td>info@navoi.uz</td> </tr> </table>		Маъсул этиб тайинланган шахс	Давлат шеригининг масъул ходими	Навоий вилояти ҳокимлиги Лавозими Телефон	Сулаймонов Рустам Довудович Вилоят ҳокими ўринбосари +99879 229-62-06	Электрон почта манзили:	info@navoi.uz
Маъсул этиб тайинланган шахс	Давлат шеригининг масъул ходими							
Навоий вилояти ҳокимлиги Лавозими Телефон	Сулаймонов Рустам Довудович Вилоят ҳокими ўринбосари +99879 229-62-06							
Электрон почта манзили:	info@navoi.uz							

